48-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 6 декабрда қабул қилинган «**Касаба уюшмалари тўғрисида**»ги ЎРҚ–588-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 12, 882-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 5, 464-модда) **49-моддасига** қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

иккинчи қисмдаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи қисмдаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

49-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралда қабул қилинган «**Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида**»ги ЎРҚ–604-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 2, 106-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 570-модда) **5-моддасининг бешинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

50-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 13 мартда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида**»ги ЎРҚ–610-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 3, 201-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 6, 523-модда; 2022 йил, № 3, 216-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) 26-модданинг биринчи қисмидаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) 30-модданинг биринчи қисмидаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) 31-модданинг биринчи қисмидаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) 38-модда иккинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги «давлат қўмитасининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **56-модданинг матнидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

51-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 16 мартда қабул қилинган «**Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–611-сонли Қонуни-нинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 3, 202-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 12, 1194-модда) **17-моддасига** қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

номидаги «давлат қўмиталарининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

матндаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

52-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган «**Таълим тўғрисида**»ги ЎРҚ–637-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 9, 538-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **30-модда:**

бешинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

олтинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги «вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари» деган сўзлар «вазирликлар ва идоралар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **32-модда учинчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **34-модданинг тўққизинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **58-модданинг саккизинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **73-модданинг матнидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

53-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрда қабул қилинган «**Аҳоли бандлиги тўғрисида**»ги ЎРҚ–642-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 10, 595-модда; 2021 йил, № 4, 287-модда, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 464-модда, № 6, 570-модда, 10-сонга илова) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **75-модда иккинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари» деган сўзлар «вазирликлар ва идоралар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **77-модда:**

биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги «вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари» деган сўзлар «вазирликлар ва идоралар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

54-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 18 ноябрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида**»-ги ЎРҚ–647-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 11, 653-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда, № 6, 570-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **26-модда биринчи қисмининг ўн бешинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **44-модданинг бешинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

55-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 февралда қабул қилинган ЎРҚ–676-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 2, 145-модда; 2022 йил, № 6, 570, 577-моддалар, № 11, 1061-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **7-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вазирликлар ва идоралар бир вазирлик ва идора доирасида қўлланилиши мумкин бўлган идоравий қурилиш нормаларини ўз ваколатлари доирасида ишлаб чиқиши, тасдиқлаши, қайта кўриб чиқиши ёки бекор қилиши мумкин»;

2) **18-модданинг иккинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **20-модда иккинчи қисмининг еттинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **23-модданинг биринчи қисмидаги** «вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг» деган сўзлар «вазирликлар ва идораларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **27-модда иккинчи қисмининг ўн биринчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

6) **45-модда:**

иккинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи қисмининг:

иккинчи хатбошисидаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошисидаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

7) **76-модда:**

биринчи қисмининг:

иккинчи хатбошисидаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

саккизинчи хатбошисидаги «давлат қўмиталарининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

тўққизинчи хатбошисидаги «давлат қўмиталарининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи қисмининг:

иккинчи хатбошисидаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошисидаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

56-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралда қабул қилинган «**Аудиторлик фаолияти тўғрисида**»ги ЎРҚ–677-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 2, 146-модда; 2022 йил, № 3, 216, 217-моддалар, № 4, 340-модда; 2023 йил, № 1, 2-модда) **27-моддасининг учинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

57-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелда қабул қилинган «**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида**»ги ЎРҚ–682-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 4, 288-модда; 2022 йил, № 3, 213-модда, № 8, 788-модда, № 10, 983-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **4-модданинг биринчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **6-модданинг еттинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **7-модданинг учинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **14-модданинг:**

номидаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

биринчи қисмидаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисмидаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қарорлар идоралар номидан қарор қабул қилиш коллегиял органлари томонидан амалга ошириладиган идоралар томонидан қабул қилинади.

Вазирликлар ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари бошқа вазирликлар ёки идоралар билан келишилган ҳолда қабул қилиниши мумкин»;

олтинчи қисмидаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

еттинчи қисмидаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **15-модданинг:**

номидаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

биринчи қисмидаги «давлат қўмитаси» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисмидаги «давлат қўмитаси» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вазирлик ёки идора қайта номланган тақдирда, унинг илгариги номи кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қайта номланишига оид қисмига ўзгартириш ёки қўшимча киритилиши лозим. Бундай ўзгартиришлар ёхуд қўшимчалар киритилгунига қадар илгариги номни ўз ичига олган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амал қилиши қайта номланган вазирликка ёки идорага нисбатан тўлиқ ҳажмда татбиқ этилади»;

тўртинчи қисмидаги «давлат қўмитаси» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

6) **18-модданинг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган вазирликнинг ёки идоранинг ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш учун махсус ваколати бўлса, ушбу орган қабул қилган ҳужжат бир хил мақомдаги бошқа вазирлик ёки идора томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга нисбатан юқорироқ юридик кучга эга бўлади»;

7) **22-модданинг:**

иккинчи қисмидаги «давлат қўмиталарининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

еттинчи қисмидаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) **24-модданинг олтинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

9) **27-модданинг бешинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

10) **28-модданинг:**

номидаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисмидаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи қисмидаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

11) **30-модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

12) **36-модданинг еттинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

13) **37-модданинг:**

номидаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

биринчи қисмидаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисмидаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи қисмидаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

тўртинчи қисмидаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

14) **38-модданинг тўртинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

15) **39-модданинг учинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

16) **45-модданинг учинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

17) **48-модданинг иккинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

18) **49-модда биринчи қисмининг:**

учинчи хатбошисидаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбошисидаги «давлат қўмиталарини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

19) **51-модда:**

номидаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисмидаги «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

20) **илованинг 53-бандидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

58-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлда қабул қилинган «**Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида**»ги ЎРҚ–701-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 7, 661-модда; 2022 йил, № 4, 340-модда, № 5, 465-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 185-модда) **6-моддаси биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталарининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

59-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 15 декабрда қабул қилинган «**Фавқулодда ҳолат тўғрисида**»ги ЎРҚ–737-сонли Конституциявий Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 12, 1195-модда; 2023 йил, № 5, 316-модда) **16-моддасининг матнидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

60-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 январда қабул қилинган «**Гидрометеорология фаолияти тўғрисида**»ги ЎРҚ–745-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахбо-

ротномаси, 2022 йил, № 1, 3-модда) **21-моддасининг учинчи қисмидаги** «давлат қўмиталарига» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

61-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 апрелда қабул қилинган «**Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида**»ги ЎРҚ–763-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 4, 338-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **29-модданинг учинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **172-модданинг иккинчи қисмидаги** «давлат қўмитаси» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **173-модданинг:**

биринчи қисмидаги «давлат қўмитасининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисмидаги «давлат қўмитаси» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи қисмидаги «давлат қўмитасининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **174-модданинг учинчи қисмидаги** «давлат қўмитасининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **175-модданинг тўққизинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

62-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 8 августда қабул қилинган «**Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида**»ги ЎРҚ–788-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 8, 789-модда) **7-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталарининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

63-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 17 августда қабул қилинган «**Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–790-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, № 8, 791-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **7-модданинг учинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталарида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **19-модданинг иккинчи қисмидаги** «давлат қўмиталарининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **33-модда биринчи қисмининг:**

учинчи хатбошисидаги «давлат қўмитасининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбошисидаги «давлат қўмитасининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

64-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 28 октябрда қабул қилинган ЎРҚ–798-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2022 йил, 10-сонга илова; 2023 йил, № 4, 265-модда) **39-моддасининг учинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

65-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 27 февралда қабул қилинган **«Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–819-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2023 йил, № 2, 106-модда) **9-моддаси иккинчи қисмининг тўққизинчи хатбошисидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

66-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 29 апрелда қабул қилинган **«Давлат қарзи тўғрисида»**ги ЎРҚ–836-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2023 йил, № 4, 272-модда) **40-моддасининг олтинчи қисмидаги** «давлат қўмиталари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

67-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

68-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

69-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 28 ноябрь,
ЎРҚ–880-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

493 «Қўриқлаш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил
22 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 28 октябрда
маъқулланган

Мамлакатимизда қўриқлаш фаолиятининг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини, жисмоний ва юридик шахсларга қўриқлаш хизматларини кўрсатиш чоғида юзага келадиган муносабатларни тартибга солиш мақсадларида «Қўриқлаш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниб, унда қўриқлаш фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш асослари ҳамда қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамлаб қўйилди.

Шу билан бирга ҳуқуқни қўллаш амалиётида қўриқлаш фаолияти соҳасига доир айрим тушунчалар турлича талқин этилишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш зарурияти мавжуд.

Мазкур Қонун билан «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг айрим нормаларини «Қўриқлаш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштиришни назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда.

Ушбу Қонун қўриқлаш фаолияти соҳасидаги тушунчаларнинг аниқ ва бир хил қўлланилишига хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «**Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида**»ги 938–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 112-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2002 йил, № 4-5, 74-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; 2007 йил, № 12, 590, 608-моддалар; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334-модда, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 1, 4-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383, 384-моддалар; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 10,

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 29 ноябрда эълон қилинган.

676-модда, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 5, 265-модда, № 8, 469-модда, № 9, 592-модда, № 11, 792-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 11, 652-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 973-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 5, 464-модда, № 10, 979, 982-моддалар) **37-моддаси биринчи қисми «в» бандининг ўзбекча матнидаги «соқчиликдаги» деган сўз «қўриқлашдаги» деган сўз билан алмаштирилсин.**

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил,

№ 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **250-модда:**

учинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаси бошлиғи ва унинг ўринбосари, ёнғиннинг олдини олиш бўйича отряд (команда, ўт ўчириш поезда) бошлиғи ва унинг ўринбосари, катта йўриқчи ва йўриқчи, команданинг, ўт ўчириш поезда командасининг, ҳарбийлаштирилган қўриқлаш командасининг (қоровул) бошлиғи»;

тўртинчи қисмининг ўзбекча матнидаги «соқчиликнинг бўлинмаси» деган сўзлар «қўриқлаш бўлинмасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **252-модданинг иккинчи қисмидаги** «ҳарбийлаштирилган идоравий соқчилигининг» деган сўзлар «идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **284-модданинг тўртинчи қисми** қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Юридик шахсларнинг қўриқланадиган объектларига, бошқа мол-мулкига тажовуз қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда ҳуқуқбузар Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ходимлари ёки ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаси ишчилари ва хизматчилари томонидан ҳуқуқбузарликка барҳам бериш, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш ва ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш учун Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органига, ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмасининг хизмат биносига ёки ички ишлар органларига ушлаб келтирилиши мумкин»;

4) **287-модданинг 3-бандидаги** «ҳарбий соқчиликнинг» деган сўзлар «ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **289-модданинг:**

биринчи қисмидаги «ҳарбий соқчилик» деган сўзлар «ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «ҳарбий соқчилик» деган сўзлар «ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **291-модда биринчи қисмининг «ж» бандидаги** «ҳарбийлаштирилган соқчиликнинг» деган сўзлар «ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 18 ноябрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида**»-ги ЎРҚ–647-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 11, 653-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда, № 6, 570-модда) **28-моддасининг иккинчи қисмидаги** «соқчилик бўлинмалари» деган сўзлар «қўриқлаш бўлинмалари ишчилари ва» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 28 ноябрь,
ЎРҚ–881-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

494 Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида олиб борилаётган ишларнинг натижадорлигини ошириш, муҳим ижтимоий масалаларга оид очиқ маълумотлар кўламини янада кенгайтириш, улардан тўсиқларсиз фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши (кейинги ўринларда — Миллий кенгаш), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик), Бош прокуратуранинг коррупцияга оид жиноятларнинг олдини олиш бўйича қуйидаги тизимни жорий этиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин:

ҳар чоракда Агентлик давлат органлари ва ташкилотлари кесимида содир этилган коррупцияга оид жиноятларни таҳлил қилади ва ушбу жиноятлар кўрсаткичи ошган давлат органлари ва ташкилотларига кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар белгилаш учун Агентлик ходимлари иштирокида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритиб боради;

ҳар ярим йилда жиноятларнинг олдини олиш ҳамда уларга имкон берган омилларни бартараф этиш бўйича кўрилаётган чоралар Миллий кенгаш йиғилишларида тегишли давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи раҳбарлари иштирокида танқидий муҳокама қилиб борилади.

2. Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган давлат дастури 1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. 2023 йил 1 декабрдан бошлаб Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати қуйидаги маълумотлар билан тўлдирилсин:

ҳудудлар кесимида «Ҳаж» тадбирига бориш учун навбатда турган зиёратчиларнинг ягона онлайн навбати тўғрисидаги (зиёратга борувчи шахснинг аризаси навбатга қўйилган сана ва рўйхатдаги тартиб рақами) маълумотлар;

болаларни давлат мактабгача таълим ташкилотларига қабул қилиш учун берилган аризалар навбати (рўйхати) тўғрисидаги (ариза навбатга қўйилган сана, рўйхатдаги тартиб рақами, ёш гуруҳи ҳамда ташкилот рақами) маълумотлар;

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 28 ноябрда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

давлат органлари ва ташкилотларида давлат харидларини амалга ошириш тартиб-таомилларини белгиловчи харид комиссиясининг ички идоравий тартиби (низом, регламент, йўриқнома ёки бошқа ички идоравий ҳужжат);

марказий, ҳудудий ва тизим ташкилотларида бўш иш ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари, номзодларга қўйиладиган талаблар ва тақдим қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларга тақдим этилган грант ва ижтимоий буюртма лойиҳалари ҳақидаги маълумотлар, шу жумладан ғолиб бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва уларнинг буюртма доирасида бажарган ишлари юзасидан ҳисоботлари ҳақидаги маълумотлар.

4. Агентликнинг қуйидаги жараёнларни интернет тармоғи орқали жонли эфирга узатиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

а) фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун илмий кенгаш томонидан ўтказиладиган диссертация ҳимояси (ёпик илмий ишлар бундан мустасно);

б) ўрта-махсус ва профессионал таълим муассасаларининг, (шу жумладан, «Темурбеклар мактаблари» ҳарбий-академик лицейларининг) тест синовлари ҳамда Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларга кириш имтиҳонлари;

в) олий таълим муассасалари базасидаги ҳарбий таълим факультетларига (ҳарбий кафедра) қабул қилишдаги саралаш танловларининг қуйидаги босқичлари:

умумжисмоний тайёргарликни баҳолаш;

чақириққача бошланғич тайёргарлик дастури бўйича билим даражасини баҳолаш.

5. Агентликка давлат органлари ва ташкилотларининг қайта алоқа тизими самарадорлиги даражасини баҳолаш мақсадида «Қайта алоқанинг сирли мижози» тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш вазифаси юклатилсин.

6. Белгилансинки, «Қайта алоқанинг сирли мижози» тадбири:

давлат органлари ва ташкилотларидаги ишонч телефонларининг (Call-марказ) ҳамда уларнинг расмий веб-сайтларида эълон қилинган телефон рақамларининг доимий равишда ишчи ҳолатдалиги, маълумотлар алмашинуви самарадорлиги, қайта алоқанинг мавжудлиги, шу жумладан тезкорлиги ва белгиланган муддатларда амалга оширилиши даражасини текшириш мақсадида ўтказилади;

Агентликнинг масъул ходимлари томонидан алоқа воситаларидан (телефон қўнғироқлари, электрон почта ва бошқа алоқа каналлари) фойдаланган ҳолда масофавий тартибда ўтказилади;

натижалари бўйича давлат органлари ва ташкилотларига ўзининг очиқликни таъминлашга оид фаолиятини яхшилаш ҳамда такомиллаштириш учун кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимнома юборилади.

Бунда қуйидагилар тақиқланади:

«Қайта алоқанинг сирли мижози» тадбирини ўтказишда ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириш ва ундаш, шу жумладан низоли, баҳсли ҳолатларни ва камчиликларни сунъий равишда келтириб чиқариш;

«Қайта алоқанинг сирли мижози» тадбирини ўтказишда Агентлик масъул ходимларидан ташқари бошқа шахслардан фойдаланиш;

ўрганиш объектига ташриф буюриш.

Тадбир натижалари бўйича аниқланган камчиликлар вазирлик ва идоралар ходимларини жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди, иш берувчи томонидан шахсий ташаббус кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно.

7. Агентлик (А. Бурханов) халқаро ташкилотлар ва хорижий экспертларни жалб этган ҳолда:

уч ой муддатда давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлашга масъул ходимларини очиқлик соҳасидаги миллий қонунчилик ва халқаро стандартлар талаблари бўйича ўқитишга қаратилган онлайн малака ошириш тизимини электрон платформа асосида йўлга қўйсин;

электрон платформа орқали ўқитилиши лозим бўлган давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, уларнинг масъул ходимлари рўйхати ва аниқ муддатларини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

электрон платформа ўқув модулларини яқуни бўйича ҳар бир тингловчи эгаллаган билим ва малакаси тест синовидан ўтказилиб, натижаларини тўпланган баллар рейтинги асосида очиқ эълон қилиб бориш тартибини жорий этсин;

электрон платформа модуллари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талаблар, хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаси ва халқаро стандартлар талабларидан келиб чиқиб, мунтазам такомиллаштириб (тўлдириб) борсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги «Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–6247-сон Фармонига 2-иловага* мувофиқ қўшимча киритилсин.

9. Агентлик уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори А.Э. Бурханов белгилансин.

11. Фармон ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 27 ноябрь,
ПФ–200-сон

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**495 Қашқадарё вилоятининг тоғли-рекреацион ҳудудларида
замонавий хизмат кўрсатиш ва туризм объектларини
барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида***

Қашқадарё вилоятининг табиий-иқтисодий, жумладан туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш, мастер-режа асосида хизмат кўрсатиш ва меҳмонхона мажмуалари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва бошқа объектларни барпо этиш ҳамда қўшимча иш ўринларини яратиш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан хорижий давлатларнинг ма-лакали экспертлари ва етакчи компаниялари иштирокида Шаҳрисабз туманининг «Мираки», «Амир Темур», «Улоч» ва «Полмон» маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги умумий майдони 240 гектар бўлган ер участкасида замонавий хизмат кўрсатиш мажмуалари ва туризм инфратузилмаси объектларини, жумладан меҳмонхоналар, меҳмон уйлари, соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар объектларини жойлаштиришни назарда тутувчи мастер-режа лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги;

Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан ривожланган давлатлар тажрибаси асосида Қамаш туманининг «Катта ўра» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги умумий майдони 58,6 гектар бўлган ер участкасида меҳмонхона, соғломлаштириш санаторийси, умумий овқатланиш объектлари, дор йўллари, тоғ-чанғи комплекси ва бошқа туристик аҳамиятга эга объектлар барпо этишни назарда тутувчи мастер-режа лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг:

Шаҳрисабз тумани ҳудудидаги умумий майдони 240 гектар бўлган ер участкасида «Шаҳрисабз» туристик марказини;

Қамаш тумани ҳудудидаги умумий майдони 58,6 гектар бўлган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкасида «Майданак баланд тоғ» туристик марказини;

«Шаҳрисабз» ва «Майданак баланд тоғ» туристик марказларини (кейинги ўринларда — туристик марказлар) ривожлантириш ва бошқариш учун давлат муассасаси шаклида Қашқадарё вилоятида туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва бошқариш департаментини (кейинги ўринларда — Департамент) ташкил этиш ва уни Шаҳрисабз туманида жойлаштириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

3. Қўйидагилар:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 30 ноябрда эълон қилинган.

«Шаҳрисабз» туристик маркази ҳудуди чегараларининг тавсифи 1-иловага* мувофиқ;

«Майданак баланд тоғ» туристик маркази ҳудуди чегараларининг тавсифи 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, Вазирлар Маҳкамасига туристик марказларнинг чегаралари ва уларнинг тавсифларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколати берилсин.

4. Белгилансинки, туристик марказлар ҳудудидаги:

умумий фойдаланишдаги ер участкалари мастер-режа, бош режа ва батафсил режалаштириш лойиҳаларига мувофиқ инфратузилма объектлари ва ижтимоий аҳамиятга эга объектларни барпо этиш учун Департаментга ва (ёки) ушбу объектларни қуриш, сақлаш ва фойдаланиш вазифасини амалга оширувчи бошқа давлат органлари, муассасалари ва корхоналарига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилади;

мастер-режа, бош режа ва батафсил режалаштириш лойиҳаларига мувофиқ тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун мўлжалланган бўш ер участкалари мулк ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида электрон онлайн аукцион орқали реализация қилинади;

бўш ер участкалари электрон онлайн аукцион орқали туристик марказларнинг мастер-режа, бош режа ва батафсил режалаштириш лойиҳаларида назарда тутилган объектларни барпо этиш шарти билан лотларга бўлинган ҳолда реализация қилинади. Бунда, ҳар бир лот бўйича лойиҳанинг тахминий тавсифи ва архитектура қиёфасига, фойдаланишга топшириш муддатига талаблар белгиланади;

ер участкаларини электрон онлайн аукцион орқали реализация қилишдан тушган тушумлар (савдога чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатлар чегириб қолинган ҳолда) Департаментга ўтказилади;

ер участкаларини электрон онлайн аукцион орқали реализация қилишдан тушган тушумлар Департамент фаолиятини молиялаштириш ҳамда туристик марказларни ривожлантириш, жумладан йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш ва таъмирлаш чора-тадбирларини молиялаштиришга йўналтирилади.

Бунда, тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун туристик марказлар ҳудудларидаги ер участкалари тайёр бизнес шаклида электрон онлайн аукцион орқали реализация қилиниши мумкин.

5. «Ўзмилийбанк» АЖ, «Асакабанк» АЖ, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ ва «Туронбанк» АТБнинг инвестиция компаниялари томонидан туристик марказлар ҳудудида тайёр бизнес шаклида замонавий меҳмонхона мажмуалари, умумий овқатланиш объектлари, дор йўллари, тоғ-чанғи комплекси ва бошқа хизмат кўрсатиш объектларини барпо этган ҳолда уларни кейинчалик «E-auction» электрон савдо платформасида аукцион савдолари орқали ёки қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда лойиҳадаги улушларни реализация қилиш тўғрисидаги ташаббуслари маъқуллансин.

Бунда:

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан ушбу тадбирлар учун мазкур бандда назарда тутилган тижорат банкларига жами 50 миллион АҚШ долларигача миқдордаги хорижий валютадаги кредит маблағлари йиллик 5 фоиз ставкада, 3 йиллик имтиёзли давр билан 5 йил муддатга тўғридан-тўғри ажратилади;

ушбу маблағлар белгиланган муддат ва шартларда туристик объектларнинг сотилиши натижаларидан қатъи назар Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тўлиқ қайтарилади.

6. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз» АЖ, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг:

«Шўртан газ кимё мажмуаси» МЧЖга тегишли бўлган Шаҳрисабз тумани «Мираки» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 10,6 гектар ер майдонини ушбу қарорнинг 5-бандида назарда тутилган ташаббуслар доирасида замонавий меҳмонхона мажмуаларини барпо этиш мақсадида Шаҳрисабз тумани ҳокимлиги захира ерлари фондига бериш;

Шаҳрисабз туманининг «Мираки», «Амир Темур», «Улоч» ва «Полмон» маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда Қамаш туманининг «Катта ўра» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудларида хусусий инвестицияларни жалб қилган ҳолда 2024-2025 йилларда кўшимча меҳмонхоналар, меҳмон уйлари, хизмат кўрсатиш мажмуалари ва дам олиш масканларини қуриш мақсадида бўш ер участкаларини 10 йил муддатда тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан аукцион савдоларига чиқариш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

7. Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерациясининг ўз маблағлари ҳисобидан:

Шаҳрисабз тумани, «Улоч» маҳалла фуқаролар йиғини, Қани қишлоғидаги «Гулнора» болалар оромгоҳини реконструкция қилиш ишларини 2024 йил июнь ойида ҳамда санаторийни қуриш ва модернизация қилиш ишларини 2025 йил март ойига қадар якунлаб, фойдаланишга топшириш;

Китоб туманининг «Қайнар» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 2025 йил 1 сентябрга қадар барча шароитларга эга замонавий санаторий барпо этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

8. «Шаҳрисабз» ва «Майданак баланд тоғ» туристик марказларида объектларни барпо этиш, жумладан лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ва молиялаштириш ишларини мувофиқлаштириш бўйича комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) 3-иловага* мувофиқ таркибда тузилсин.

Комиссиянинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

туристик марказларни барпо этиш ва лойиҳаларни амалга оширишда вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар, хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари ҳамда Департамент фаолиятини мувофиқлаштириш ва тегишли вазифаларни белгилаш;

илғор хорижий лойиҳа ташкилотлари, консультантлар ҳамда соҳа мутахассисларини жалб қилган ҳолда туристик марказлар ҳудудида барпо этиладиган туристик аҳамиятга эга объектлар лойиҳа концепцияларини кўриб чиқиш ва маъқуллаш;

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

туристик марказларнинг мастер-режа, бош режа ва батафсил режалаштириш лойиҳалари ҳамда ер участкаларининг лотларини тасдиқлаш ва уларга тегишли ўзгартиришлар киритиб бориш, шунингдек, танланган ер участкаларида лойиҳа объектларини жойлаштириш бўйича тегишли қарорлар қабул қилиш;

туристик марказларда аукцион савдоларига чиқариладиган ер участкаларига бўлган ҳуқуқ туридан келиб чиқиб, уларнинг бошланғич қийматини белгилаш ҳамда туташ ҳудудлардаги қурилиш лойиҳаларини кўриб чиқиш ва келишиш;

туристик марказлар инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда объектлар қурилишини жадаллаштириш доирасида хорижий ва маҳаллий консултантлар ва экспертлар, архитекторлар, конструкторлар, техник назоратчилар, лойиҳа ташкилотларини энг яхши таклифларни танлаш орқали тўғридан-тўғри жалб қилиш;

туристик марказлар ҳудудига қадар ва ундаги зарур ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси қурилиши бўйича лойиҳа ҳужжатлари ўз вақтида ишлаб чиқирилиши, молиялаштириш манбалари аниқланиши ва амалга оширилишини таъминлаш.

9. Департамент, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги бир ой муддатда илғор лойиҳа ташкилотлари ва маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда туристик марказлар батафсил режалаштириш лойиҳаларининг ишлаб чиқирилишини таъминласин ҳамда уларни Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан келишсин.

10. Белгилаб қўйилсинки:

а) «Майданак баланд тоғ» туристик марказининг мастер-режаси ва батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ харажатлар Давлат активларини бошқариш агентлигининг Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ҳисобидан молиялаштирилади.

Бунда, ушбу қарорга мувофиқ Жамғарма ҳисобидан амалга ошириладиган харажатлар туристик марказлар ҳудудидаги ер участкаларини электрон онлайн аукцион орқали реализация қилишдан тушган тушумлар ҳисобидан копланеди;

б) «Шаҳрисабз» туристик марказининг мастер-режасини маҳаллий шаҳарсозлик қоидалари ва нормаларига мослаштириш, жумладан батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ харажатлар 2023-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида ҳудудларнинг бош режаси, архитектура-режалаштириш ва батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун назарда тутилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади;

в) «Майданак баланд тоғ» туристик маркази ҳудудида барпо этиладиган объектлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тавсияси асосида обсерватория фаолиятига зарар етказмайдиган масофада жойлаштирилади;

г) туристик марказлар, Департамент ва Комиссия ушбу қарор ҳамда «Business city» замонавий ишбилармонлик марказлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги низом асосида фаолият юритади.

Бунда, Департаментга «Business city» замонавий ишбилармонлик марказлари ҳудудида объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш дирекциясининг ваколатлари, вазифалари ва функциялари юклатилади.

11. Шаҳрисабз туманининг туризм салоҳиятини ривожлантириш ҳамда замонавий туризм инфратузилма объектларини барпо этиш учун 4-иловадаги* манзилли рўйхатда назарда тутилган ер участкаларининг тоифаси суғорилмайдиган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар тоифасига ўтказилсин.

Кадастр агентлиги тоифаси ўзгартирилган мазкур ер участкалари бўйича ер ресурсларининг ҳолати юзасидан миллий ҳисоботга тегишли ўзгартириш киритсин.

Қашқадарё вилояти ҳокимлиги икки йил муддатда ер фонди тоифаси ўзгараётган майдонларга нисбатан беш барабар миқдорда ер участкаларининг қишлоқ хўжалигида фойдаланишга киритилишини таъминласин.

12. Белгилансинки, туристик марказлар объектлари қуриладиган ҳудудга қадар ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини етказиб бериш, кўчириш ҳамда зарур инфратузилмани яратиш мақсадида қуйидагилар тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ:

электр тармоқларини қуриш ишлари — «Худудий электр тармоқлари» АЖ таркибидаги ташкилот буюртмачилигида;

ичимлик ва оқова сув тизимини қуриш ишлари — «Ўзсувтаъминот» АЖ таркибидаги «Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» УК буюртмачилигида;

алоқа ва интернет тармоқларини қуриш ишлари — «Ўзбектелеком» АК буюртмачилигида;

автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш ишлари — Автомобиль йўллари қўмитасининг корхоналари буюртмачилигида амалга оширилади.

Бунда:

а) «Майданак баланд тоғ» туристик маркази бўйича:

ҳудудга қадар ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини тортиш, кўчириш ва зарур инфратузилмани яратиш (автомобиль йўллари бундан мустасно) Жамғарма маблағлари ҳисобидан;

автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш ишлари 2024-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида;

б) «Шаҳрисабз» туристик маркази бўйича:

электр тармоқлари, алоқа ва интернет тармоқларини қуриш ва таъмирлаш ишлари тегишлича «Худудий электр тармоқлари» АЖ ва «Ўзбектелеком» АКнинг ўз маблағлари ҳисобидан;

автомобиль йўллари, ичимлик ва оқова сув тармоқларини қуриш ва таъ-

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мирлаш ишлари 2024-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида туризм объектлари инфратузилмасини яхшилаш учун назарда тутилган маблағлар ҳамда халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

13. Департамент Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Жамғарма маблағлари ҳисобидан 2024 йил 1 сентябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тавсияси асосида «Майданак баланд тоғ» туристик маркази ҳудудидаги планетариум, обсерватория, астрономик музей ва атрофни кузатув майдончасини замонавий лойиҳа ечимлари асосида таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга оширсин.

14. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Туризм қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда Китоб тумани, «Қайнар» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида замонавий меҳмонхона, сервис ва хизмат кўрсатиш мажмуаларини барпо этишга қаратилган мастер-режани ишлаб чиқсин.

Бунда, Китоб тумани, «Қайнар» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида туристик марказ барпо этишни, туман ҳокимлиги захирасида бўлган 16 гектар қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер майдонини 15 миллион АҚШ доллари эквивалентида инвестиция киритиш ва 10 йил муддатда тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан аукцион савдоларига чиқаришни назарда тутсин.

15. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Туризм қўмитаси, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Кинематография агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда туристик марказлар объектлари қурилишига салоҳиятли инвесторларни жалб этиш мақсадида ушбу ҳудудларнинг туристик имкониятлари тўғрисида видеоролик ва тарғибот материалларини тайёрлаб, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида кенг тарғиб қилсин.

16. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Кадастр агентлиги, Бош прокуратура, «Ўзбеккосмос» агентлиги ва Департамент билан биргаликда бир ой муддатда «Шаҳрисабз» туристик маркази ҳудудидаги ер участкаларини тўлиқ хатловдан ўтказиб, аниқланган ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ва ноқонуний қурилиш ҳолатларини қонунчиликда белгиланган тартибда бартараф этиш бўйича тегишли чораларни кўрсин.

17. Туристик марказлар объектларини лойиҳалаш, қуриш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш доирасида хорижий ташкилотлар вакиллари ҳамда хорижий мутахассисларни жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Департамент буюртманомалари асосида қисқа муддатда:

Ташқи ишлар вазирлиги жалб қилинадиган хорижий мутахассислар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун кириш визалари белгиланган тартибда расмийлаштирилишини;

Ички ишлар вазирлиги жалб қилинадиган хорижий мутахассислар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари учун кўп марталик визалар расмийлаштирилиши, берилиши (муддати узайтирилиши) ҳамда вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилишини (муддати узайтирилишини);

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги хорижий мутахассис-

ларга (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари орасида бундай мутахассислар бўлмаган тақдирда) республика ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) таъминласин.

18. Транспорт вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг «Шаҳрисабз» аэропортидан давлат ва фуқаро авиацияси ҳаво кемалари ҳамкорликда фойдаланишини ташкил этиш бўйича қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

«Uzbekistan Airports» АЖ зиммасига «Шаҳрисабз» аэропортида фуқаро авиацияси ҳаво кемалари йўловчиларига хизмат кўрсатишда Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) стандартлари ва талабларига мувофиқ авиация ва парвозлар хавфсизлигини таъминлаш юзасидан зарур инфратузилмани яратиш ва ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш учун махсус техника воситалари ҳамда етарли даражада ходимлар билан таъминлаш;

«Ўзаэронавигация» маркази ДУК томонидан фуқаро авиацияси ҳаво кемаларининг «Шаҳрисабз» аэропорти ҳудуди ҳамда ҳаводаги ҳаракатини бошқариш ва аэропортда зарур инфратузилмани яратиш;

«Uzbekistan Airways» АЖ томонидан 2024 йил 1 мартдан бошлаб «Шаҳрисабз» аэропортига парвозларни ташкиллаштириш.

19. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда Департаментни Шаҳрисабз туманида жойлаштириш ва зарур моддий-техника базаси билан таъминлаш чораларини кўрсин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика ҳудудларида «Business city» замонавий ишбилармонлик марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 2 августдаги ПҚ–3895-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги 461-сон қарори билан тасдиқланган «Business city» замонавий ишбилармонлик марказлари рўйхати қуйидаги мазмундаги 11 ва 12-бандлар билан тўлдирилсин:

«11. «Шаҳрисабз» туристик маркази;

12. «Майданак баланд тоғ» туристик маркази.

21. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари А.Ж. Раматов, Ж.А. Қўчқоров, Давлат активларини бошқариш агентлиги директори А.Ж. Ортиқов ва Қашқадарё вилояти ҳокими М.Б. Азимов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 28 ноябрь,
ПҚ–376-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**496 «Ёшлар учун минг китоб» лойиҳасини амалга ошириш
чора-тадбирлари тўғрисида***

Ёшларнинг интеллектуал ва илмий салоҳиятини оширишга хизмат қилувчи жаҳонда машҳур бўлган китобларни ўзбек тилига таржима қилиш ҳамда шу орқали уларни замонавий илм-фаннинг сўнгги ютуқлари билан яқиндан таништириб бориш тизимини йўлга қўйиш мақсадида:

1. Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлиги (кейинги ўринларда — Ёшлар ишлари агентлиги) жаҳонда машҳур бўлган 1000 та китобини танлаб олиб, ўзбек тилига таржима қилиш ва мамлакатимизда оммалаштиришга қаратилган «Ёшлар учун минг китоб» лойиҳасини (кейинги ўринларда — лойиҳа) амалга ошириш учун масъул этиб белгилансин.

2. Белгилансинки, лойиҳа доирасида:

давлат буюртмасига асосан китоблардан фойдаланиш ҳуқуқини асар муаллифларидан сотиб олиш, уларни ўзбек тилига таржима қилиш, нашрга тайёрлаш ҳамда чоп этиш ишлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан (давлат олий таълим муассасалари учун нашр этиладиган китоблар бундан мустасно) амалга оширилади;

давлат олий таълим муассасалари учун мўлжалланган китоблар рўйхати Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан олий таълим муассасалари кесимида шакллантирилади ҳамда олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан нашр этилади;

танлаб олинган нашриётларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат буюртмаларини амалга ошириш учун тижорат банкларининг кредитлари бўйича «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» АЖ маблағлари ҳисобидан умумий белгиланган шарт ва қоидалар доирасида кичик тадбиркорлик субъектлари учун бериладиган компенсация ва кафилликлар тақдим этилади.

3. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда жаҳонда машҳур бўлган китоблар рўйхатини шакллантириш мақсадида илм-фан, маданият, санъат, адабиёт ва бошқа соҳаларда тажриба ва етук билимга эга олимлар ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази, Дин ишлари бўйича қўмита мутахассисларидан иборат таркибда Экспертлар кенгашини тuzсин.

Бунда, Ёшлар ишлар агентлиги томонидан Экспертлар кенгаши аъзолари меҳнатига бозор конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда шартнома асосида ҳақ тўланади.

4. Белгилансинки, жаҳонга машҳур бўлган китобларини ўзбек тилига таржима қилиш ва нашр этиш қўйидаги босқичларда амалга оширилади:

биринчи босқичда — Экспертлар кенгаши томонидан ҳар йили китобларнинг дастлабки рўйхати шакллантирилади;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 29 ноябрда эълон қилинган.

иккинчи босқичда — аҳоли томонидан овоз бериш йўли билан танлаб олиш учун дастлабки рўйхат Ёшлар ишлари агентлигининг ахборот тизимларига жойлаштирилади ҳамда бу орқали якуний рўйхат шакллантирилади ҳамда Экспертлар кенгаши томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра лойиха доирасида:

хар йили нашр этиладиган китоблар рўйхатига камида 20 фоиз илмий-оммабоп асарлар киритилади;

давлат буюртмасига асосан таржима қилинган ва чоп этишга тайёрланган китобларга доир ҳуқуқлар Ёшлар ишлари агентлиги тасарруфида қолдирилади ҳамда ушбу китобларни келгусида нашриётлар томонидан ўз маблағлари ҳисобидан чоп этиш ва реализация қилиш учун Ёшлар ишлари агентлиги томонидан бепул асосда тақдим этилади;

давлат буюртмасига асосан чоп этилган китоблар Экспертлар кенгаши тавсиясига кўра Ёшлар ишлари агентлиги томонидан ахборот-кутубхона муассасалари, шу жумладан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг кутубхоналарига беғараз тақдим этилади;

чоп этилган китобларнинг электрон нусхалари китобхонлар кенг фойдаланиши учун муаллифлик ҳуқуқи эгаси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Миллий кутубхонасига ва Фанлар Академияси тизимидаги кутубхоналарга беғараз тақдим этилади.

6. Ёшлар ишлари агентлиги 2023-2024 йилларда дастлабки танланган 50 номдаги жаҳонда машҳур бўлган китобларини таржима қилиш, нашрга тайёрлаш ва чоп этиш чораларини кўрсин.

7. Белгилансинки, лойиха доирасида Ёшлар ишлари агентлиги томонидан китобларни таржима қилиш, нашрга тайёрлаш ва чоп этиш билан боғлиқ давлат харидлари талабгорлар ўртасида энг яхши таклифларни танлаш ҳамда тендер ўтказиш орқали амалга оширилади.

Бунда:

энг яхши таклифларни танлаш ҳамда тендер ўтказиш тўғрисидаги эълонлар давлат харидларининг электрон тизимида ва Ёшлар ишлари агентлигининг расмий веб-сайтларига жойлаштирилади;

давлат харидига доир техник топшириқ «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУК томонидан, истисно тариқасида, экспертизадан ўтказилмайди.

8. Ёшлар ишлари агентлиги, АТ «Халқ банки» ва Республика ёш ижодкорлар кенгаши нодавлат нотижорат ташкилотининг қўйидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин:

Ёшлар ишлари агентлиги томонидан АТ «Халқ банки» билан биргаликда ўзбек тилидаги адабиётлар жамланадиган ва аҳоли томонидан бепул фойдаланиладиган махсус мобил иловани (кейинги ўринларда — мобил илова) яратиш ва унинг доимий фаолият юритишини таъминлаш;

мобил иловани яратиш ва унинг доимий фаолият юритишини таъминлаш бўйича Республика ёш ижодкорлар кенгаши нодавлат нотижорат ташкилотини буюртмачи этиб белгилаш;

мобил иловани яратиш билан боғлиқ харажатларни АТ «Халқ банки»-нинг хомийлик маблағлари ҳисобидан амалга ошириш;

мобил иловани юритиш (контент билан тўлдириш, шу жумладан аудио, видео ва матн шаклидаги адабиётларни тайёрлаш, хорижий ва маҳаллий муаллифларга муаллифлик ҳақини тўлаш ҳамда ушбу адабиётларни ўзбек тилига таржима қилиш) билан боғлиқ харажатларни Ёшлар ишлари агентлиги ҳисобидан Республика ёш ижодкорлар кенгаши нодавлат нотижорат ташкилотига маблағ ажратиш орқали молиялаштириш.

9. Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ҳузуридаги Республика болалар кутубхонасининг янгидан реконструкция қилинган биносида тўпланган бой китоб фондидан кенг фойдаланишга имконият яратиш мақсадида Ёшлар ишлари агентлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси билан биргаликда:

волонтёрларни жалб қилган ҳолда бир ой муддатда Республика болалар кутубхонаси китоб фондининг электрон каталогини яратсин;

кутубхона тасарруфидаги хорижий тилларда чоп этилган адабиётларни муаллифлик ҳуқуқларини инобатга олган ҳолда ўзбек тилига таржима қилиш ва тарғиб қилиш юзасидан Экспертлар кенгашига ҳар йили таклифлар киритиб борсин;

мобил иловада болалар учун алоҳида функционал (интерактив ўйинлар, виртуал китоб жавони кабилар) имкониятлар яратилишини таъминласин.

Рақамли технологиялар вазирлиги Республика болалар кутубхонасининг мурожаатига асосан жамоат жойларида Интернет тармоғига симсиз бепул уланиш ҳудудларига қўйилган талабларга мувофиқ Республика болалар кутубхонасининг Wi-Fi тармоғининг фойдаланувчиларнинг шахсини мажбурий идентификация қилиш тизимига ўрнатилган тартибда уланиши ва фойдаланилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Фанлар академияси Ёшлар ишлари агентлигининг сўровига асосан муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқ мобил иловага жойлаштириш учун ўз фондидаги адабиётларнинг электрон шаклини (нодир ва махсус фондларда сақланадиган адабиётлар бундан мустасно) Ёшлар ишлар агентлигига белгиланган тартибда доимий равишда беғараз тақдим этиб борсин.

11. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси ушбу Жамғарма томонидан чоп этилган Ўзбек тилининг изоҳли луғати ва бошқа луғатларни мобил иловага жойлаштириш учун Ёшлар ишлари агентлигига электрон шаклда беғараз тақдим этсин.

12. Ёшлар ишлари агентлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда:

манфаатдор нодавлат телеканаллар билан ҳамкорликда китобхонликни тарғиб қилишга қаратилган медиа маҳсулотларни тайёрласин ва уларнинг эфирга узатилишини таъминласин ҳамда фаол китобхонларни доимий рафбатлантириб бориш тизимини йўлга қўйсин;

лойиҳа доирасида нашриётлар томонидан ўзбек тилига таржима қилинган ва оммалаштиришга тайёрланаётган китоблар қонунчиликка мувофиқ тегишли экспертизалардан ўтказилишини ташкил этсин.

13. Ташқи ишлар вазирлиги Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда таржима қилинадиган асарларнинг муаллифлик ҳуқуқини сотиб олишга доир ҳужжатларни мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналари ва консулликлари орқали расмийлаштиришда Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига амалий ёрдам кўрсатсин.

14. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

лойиҳа доирасида Ёшлар ишлар агентлигининг асослантилган ҳисоб-китобларига мувофиқ 2023 йилда жаҳонда машҳур бўлган китобларини ўзбек тилига таржима қилиш, нашрга тайёрлаш ва чоп этиш ишларини амалга ошириш, шу жумладан ушбу қарорнинг 3, 6, 8, 12-бандларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш учун Давлат бюджети даромадларининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармасига қўшимча 20 миллиард сўм ажратсин ҳамда келгуси йилларда ушбу мақсадлар учун маблағларнинг Давлат бюджетига назарда тутсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман ва шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2024 йилдан бошлаб ҳар йили ҳудудлардаги ахборот-кутубхона муассасаларининг фондларини тўлдириш, янгилаш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун Давлат бюджети ҳамда маҳаллий бюджетларда зарур маблағларни назарда тутсин;

2024 йилдан бошлаб Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг асослантилган ҳисоб-китобларига мувофиқ, ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналарини кенг оммалаштириш, жамиятда китобхонликни ҳамда аҳолига ахборот-кутубхона хизматини кўрсатишни ривожлантириш мақсадлари учун Давлат бюджетига зарур бўлган маблағларнинг назарда тутсин.

15. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, намуна сифатида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги биттадан ахборот-кутубхона муассасасида адабиётлар ҳисобини юритиш, уларни сақлаш ва рақамлаштириш, аҳолига замонавий ахборот-кутубхона хизматини кўрсатиш тизимини яратиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

16. Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ёшлар ишлари агентлиги директори А.З. Саъдуллаев

ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори А.А. Ходжаев белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 28 ноябрь,
ПҚ–380-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**497 Рақамли маҳсулотлар (хизматлар) истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни кучайтириш чоралари тўғрисида***

Сўнги йилларда мамлакат иқтисодиётининг рақамли сектори кенгайиб, унинг асосий ўсиш омиллари ҳисобланган электрон тижорат платформалари, рақамли сервислар ва уларда амалга ошириладиган тўловларни сифатли ва хавфсиз қайта ишлаш билан боғлиқ молиявий технологиялар шиддат билан ривожланмоқда.

Шу билан бирга, кейинги вақтларда банк карталаридан фойдаланган ҳолда ўғрилик ёки фирибгарлик ҳолатларининг кўпайиши аҳолининг рақамли молиявий саводхонлиги ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг малакаси етарли эмаслиги, тижорат банклари, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг замонавий тизимлари мавжуд эмаслигидан далолат бермоқда.

Рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш, рақамли маҳсулотлар (хизматлар) истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни кучайтириш, шунингдек, аҳолининг рақамли молиявий саводхонлигини ошириш мақсадида:

1. Белгилансинки:

а) 2024 йил 1 июлдан бошлаб тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари фақат акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши бўйича талаблар киритилади;

б) тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари устав капиталининг энг кам миқдори:

2024 йил 1 июлдан бошлаб — тўлов тизими операторлари учун 50 млрд сўмни, тўлов ташкилотлари учун 10 млрд сўмни;

2025 йил 1 июлдан бошлаб — тўлов ташкилотлари учун 20 млрд сўмни ташкил этади;

в) «Миллий банклараро процессинг маркази» МЧЖ устав капиталидаги давлат улуши тўлиқ Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказилади;

г) Рақамли технологиялар вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг электрон тижоратни тартибга солиш ва ривожлантириш соҳасидаги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг лотерея ташкил этиш ва букмекерлик фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги вазифа, функция ва ваколатлари Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигига (кейинги ўринларда — Агентлик) ўтказилади.

2. Ўғрилик, фирибгарлик ва бошқа ҳуқуқбузарликларга ўз вақтида чек қўйиш мақсадида Марказий банкка тижорат банклари, тўлов тизими опе-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 1 декабрда эълон қилинган.

раторлари ва тўлов ташкилотларига банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операциялар содир этилган тақдирда, банк карталари, банк ҳисобва-
рақлари ва мобил иловалардаги ҳисобварақлардан фойдаланишни уч кунгача
муддатга вақтинча чеклаш тўғрисида мажбурий кўрсатмалар бериш ваколати
берилсин.

3. Марказий банк манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муд-
датда:

тижорат банклари, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари
томонидан фуқароларга онлайн хизматлар кўрсатишда техник ҳимоя усул-
ларини такомиллаштириш, антифрод тизимларини жорий этиш, кетма-кет уч
ёки ундан ортиқ ўтказмалар назоратини автоматлаштириш, банк карталари-
дан фойдаланишни ҳамда жисмоний шахслар ўртасида катта миқдордаги пул
ўтказмаларини қўшимча биометрик ва бошқа ҳимоя чораларини қўллаган
ҳолда назорат қилиш механизмларини жорий этиш;

замонавий таҳдидлар, банк карталари (карта реквизитлари) билан, шу
жумладан электрон тўлов тизимлари орқали ноқонуний операцияларнинг
олдини олиш учун аҳолининг рақамли молиявий саводхонлигини ошириш
бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

4. Рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарлик-
ларга қарши курашиш ва рақамли маҳсулотлар (хизматлар) истеъмолчилари
ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича «Йўл хари-
таси» иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идоралар раҳбарларига «Йўл харитаси»да белгиланган ва-
зифаларнинг ўз вақтида бажарилиши учун шахсий жавобгарлик юклансин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

маблағларни олувчи томонидан қимор ўйинлари ташкил этиш ва ўтказиш
фаолияти ҳамда капитал ҳаракати операциялари амалга оширилаётганлиги
тўғрисидаги тўлов тизимининг операция коди ёки бошқа идентификаторлар
белгиланганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд бўлганда, тижорат банклари
томонидан банк картаси ёрдамида Ўзбекистон Республикаси ташқарисида
жойлашган маблағларни қабул қилувчига трансчегаравий ўтказиш тақиқла-
нади;

Агентлик мурожаатлари асосида Ахборот ва оммавий коммуникациялар
агентлиги томонидан қонунга ҳилоф равишда қимор ўйинларида қатнашиш
ҳамда капитал ҳаракати операцияларини амалга ошириш имконини берувчи
Интернет тармоғидаги ахборот ресурслари белгиланган тартибда Ўзбекистон
Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборот мав-
жуд бўлган Интернет тармоғи реестрига киритилади.

6. Бош прокуратура Олий суд, Ички ишлар вазирлиги, Агентлик, Давлат
хавфсизлик хизмати, Адлия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги
ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчи-
лик ҳужжатларига рақамли технологиялар воситасида жиноят содир этилган
жой ва усулини аниқлашнинг жинойий ва жиноят-процессуал асосларини,
электрон (рақамли) далилларни аниқлаш, тўплаш, текшириш, экспертиза

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қилиш, ҳисобга олиш ва сақлаш тартибини такомиллаштиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

7. Ички ишлар вазирлиги Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда уч ой муддатда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида содир этилган жиноятларни тергов қилиш методикасини тасдиқласин.

8. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Бош прокуратура ва Давлат хавфсизлик хизмати манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2024 йил 1 апрелга қадар ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш соҳаси учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин. Бунда:

2024/2025 ўқув йилидан бошлаб рақамли технологиялар соҳасида жиноятларнинг олдини олиш бўйича кадрлар тайёрлайдиган давлат олий таълим муассасаларини аниқлаш, ушбу соҳа бўйича кадрларни тайёрлаш давлат буюртмаси параметрларида давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичларини белгилаш;

Хуқуқни муҳофаза қилиш академиясида, Ички ишлар вазирлигининг Малака ошириш институтида ҳамда Давлат хавфсизлик хизматининг таълим муассасаларида тезкор-қидирув фаолиятини, терговолди текширишни, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширувчи ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича доимий курсларни ташкил этишни назарда тутсин.

9. Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги, «Давлат божи тўғрисида»ги қонунларига ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 28 ноябрь,
ПҚ–376-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ ҚАРОРИ

498 Хайдовчи ва хайдовчиликка номзодларни транспорт воситаларини бошқаришга яроқлилигини текшириш учун тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
30 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2472-2*

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 14 мартдаги ЎРҚ–759-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда 2022 йил 17 майдаги ЎРҚ–770-сон «Ўзбекистон Республикасида тиббий-ижтимоий хизматлар тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ–101-сон «Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг 2013 йил 11 июндаги 16 ва 14-сон қарори (рўйхат рақами 2472, 2013 йил 27 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 26-сон, 343-модда) билан тасдиқланган Хайдовчи ва хайдовчиликка номзодларни транспорт воситаларини бошқаришга яроқлилигини текшириш учун тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 1 декабрда эълон қилинган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ИНОЯТОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 30 октябрь,
43-сон

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 27 октябрь,
57-сон

Келишилди:

*Ижтимоий ҳимоя миллий
агентлиги директори*

М. ОЛЛОЁРОВ

2023 йил 17 октябрь

*Тадбиркорлик субъектларининг
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини
ҳимоя қилиш бўйича вакил*

Д. КАСИМОВ

2023 йил 9 октябрь

*Ўзбекистон Савдо-саноат
палатаси раиси*

Д. ВАХАБОВ

2023 йил 4 октябрь

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил
30 октябрдаги 43-сон ва Ички ишлар
вазирлигининг 2023 йил 27 октябрдаги
57-сон қарорига
ИЛОВА

Ҳайдовчи ва ҳайдовчиликка номзодларни транспорт воситаларини бошқаришга яроқлилигини текшириш учун тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. Муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Низом ҳайдовчи ва ҳайдовчиликка номзодларни автотранспорт воситаларини ва шаҳар электр транспорти воситаларини бошқаришга яроқлилигини текшириш учун тиббий кўрикдан ўтказиш тартибини белгилайди.».

2. 5-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Ҳайдовчилар ва ҳайдовчиликка номзодларни тиббий кўрикдан ўтказиш давлат соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш-профилактика муассасалари ҳамда белгиланган тартибда лицензияга эга бўлган хусусий тиббиёт ташкилотлари (бундан буён матнда тиббиёт ташкилоти деб юритилади) қошида ташкил этиладиган тиббий ҳайдовчилик комиссиялари (бундан буён матнда тиббий комиссия деб юритилади) томонидан пуллик асосда амалга оширилади.»;

иккинчи хатбошидаги «давлат даволаш-профилактика муассасалари» деган сўзлар «давлат соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш-профилактика муассасалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «тиббий меҳнат эксперт комиссиялари (бундан буён матнда ТМЭК деб юритилади)» деган сўзлар «тиббий ижтимоий эксперт комиссиялари (бундан буён матнда ТИЭК деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 6-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Тиббий комиссия қўйидаги таркибда тиббиёт ташкилоти раҳбариятининг буйруғига асосан ташкил этилади.».

4. 8-банддаги «давлат даволаш-профилактика муассасаси» деган сўзлар «тиббиёт ташкилоти» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 10-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 майдаги 408-сон қарори билан тасдиқланган Давлат таълим муассасалари ҳамда автотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга оширувчи бошқа юридик шахсларнинг ўқув гуруҳларини рўйхатга олиш, шунингдек, имтиҳонларни ўтказиш ва миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш тарти-

би тўғрисидаги низом (бундан буён матнда Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низом деб юритилади) талаблари асосида миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларини олиш учун ҳайдовчиликка номзодлар ва даврий тиббий кўрикдан ўтадиган ҳайдовчилар томонидан 083/х шаклдаги тиббий маълумотнома тақдим қилинади.».

6. 11-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Тиббий кўрикдан ўтиш учун ҳайдовчилар ва ҳайдовчиликка номзодлар тиббий комиссияга паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта ёхуд шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатни кўрсатади.».

7. 15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 35-бандига мувофиқ агар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (бундан буён матнда ДЙҲХХ деб юритилади) ҳудудий органлари ёки автотранспорт ташкилотларидаги мансабдор шахсларда ҳайдовчининг соғлиғига нисбатан шубҳа туғилган бўлса, унга белгиланган муддатдан олдин касбига лаёқати бўйича тиббий кўрикдан қайта ўтиш учун йўлланма берилиши мумкин.».

8. 16-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 36-бандига мувофиқ агар ҳайдовчи касбига лаёқати бўйича тиббий кўрикдан қайта ўтишдан бўйин товласа ёки у тиббий комиссия томонидан автототранспорт воситаларини бошқаришга нолойиқ деб топилса унга доир ҳужжатлар ҳудудий ДЙҲХХ ходими томонидан, белгиланган тартибда автототранспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш масаласини кўриб чиқиш учун суд идораларига юборилади.

Ҳайдовчини тиббий кўрикдан қайта ўтказиш ҳақидаги қарор ҳудудий йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бўлинмаларининг бошлиғи ёки гуруҳларининг катта инспектори, улар бўлмаганда эса ички ишлар бўлими бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан қабул қилинади.».

9. 17-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«17. Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 37-бандига мувофиқ автототранспорт воситаларини маст ҳолда бошқарганлиги учун бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслар, миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини қайтариб олиш учун, маҳрум қилиш муддатидан қатъи назар, маъмурий жазо муддати ниҳоясига етгач, мажбурий тиббий кўрикдан ўтишлари шарт.».

10. 18-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 53-бандига мувофиқ тиббий комиссия томонидан қайта текширувдан ўтиш муддати белгиланган шахсларга миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини беришда «Алоҳида белгилар учун» жойида «Tibbiy ma'lumotnoma tajburiy» деган ёзув киритилади.».

11. 19-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19. Тиббий кўрик ўтказилаётган тиббиёт ташкилотида тиббий кўриқнинг айрим турларини ўтказиш имкони бўлмаган тақдирда, ҳайдовчи тиббий

комиссиянинг қарорига кўра бошқа тиббиёт ташкилотига қўшимча тиббий кўрикдан пуллик асосда ўтиш учун юборилиши мумкин. Бунда, ҳайдовчига қайси тиббиёт ташкилотига бориши, унинг жойлашган манзили аниқ кўрсатилиши лозим.».

12. 24-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24. 083/ҳ шаклдаги тиббий маълумотнома транспорт воситасини бошқаришга яроқлилиқ тўғрисидаги асосий тиббий ҳужжат бўлиб, тиббий комиссия раиси ва котиби томонидан тўлдирилади ва имзоланади.

Ҳайдовчи ва ҳайдовчиликка номзодлар томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар ҳамда 083/ҳ шаклдаги тиббий маълумотномалар нусхаси тиббиёт ташкилотига 3 йил сақланади.».

13. 25-банднинг иккинчи хатбошисидаги «даволаш-профилактика муассасаси» деган сўзлар «тиббиёт ташкилоти» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14. 27¹-банддаги «ТМЭКга» деган сўз «ТИЭКга» деган сўз билан алмаштирилсин.

15. 27²-банддаги «ТМЭКда» ва «ТМЭК» деган сўзлар тегишли равишда «ТИЭКда» ва «ТИЭК» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

16. 27³-банддаги «ТМЭК» деган сўз «ТИЭК» деган сўз билан алмаштирилсин.

17. 27⁴-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«27⁴. Ногиронлиги бўлган шахслар тиббий кўрикдан ўтиш учун паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта ёхуд шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатни кўрсатган ҳолда умумий асосларда тиббий комиссияга мурожаат қиладилар.».

18. 33-банддаги «даволаш-профилактика муассасасининг» деган сўзлар «тиббиёт ташкилотининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

19. 2-илованинг «Ҳайдовчилик тоифалари» устунисидаги «ногиронлар» деган сўз «ногиронлиги бўлган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

20. 3-илова мазкур ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

Ҳайдовчи ва ҳайдовчиликка номзодларни
транспорт воситаларини бошқаришга
яроқлилигини текшириш учун тиббий кўрик-
дан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришларга
ИЛОВА

«Ҳайдовчи ва ҳайдовчиликка номзодларни
транспорт воситаларини бошқаришга
яроқлилигини текшириш учун тиббий кўрик-
дан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

формат А-5

083/х шаклдаги тиббий
маълумотнома

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

(тиббиёт ташкилотининг номи)

Ҳайдовчининг (ҳайдовчиликка номзоднинг) тиббий кўриқдан ўтказиш натижалари бўйича МАЪЛУМОТНОМА

Фамилияси _____
Исми _____
Отасининг исми _____
Паспорт ёки идентификацияловчи
ID-карта серияси ва рақами _____
Жисмоний шахснинг шахсий
идентификация рақами (ЖШШИР) _____
Туғилган санаси ва ёши _____
Яшаш жойи _____
Иш жойи _____
Тиббий кўриқдан ўтказиш санаси 20____ йил «____» _____

Тиббий кўриқ натижалари бўйича ХУЛОСА

1. «А» тоифадаги транспорт воситасини бошқаришга _____.
2. «В» тоифадаги транспорт воситасини бошқаришга _____.
3. «С» тоифадаги транспорт воситасини бошқаришга _____.
4. «D» тоифадаги транспорт воситасини бошқаришга _____.
5. «E» тоифадаги транспорт воситасини бошқаришга _____.

6. Трамвай бошқаришга _____.

7. Троллейбус бошқаришга _____.

8. Ёлланиб ишлашга _____.

9. Алоҳида белгилар _____

Ушбу маълумотноманинг

амал қилиш муддати

20__ йил «___» _____гача.

Комиссия раиси

(Ф.И.О.)

(имзо)

Котиб

(Ф.И.О.)

(имзо)

Хулосанинг 1 — 8-бандлари тўғрисига яроқли ёки яроқсиз деган белги қўйилади.»

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 30 октябрдаги 43-сон ва Ички ишлар вазирлигининг 2023 йил 27 октябрдаги 57-сон «Ҳайдовчи ва ҳайдовчиликка номзодларни транспорт воситаларини бошқаришга яроқлилигини текшириш учун тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2023 йил 30 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2472-2.